

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

ШАРТНОМА № 55641

Тошкент ш.

2022 йил "16" 11

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти "YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA" давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "POWER BUILD CONSTRUCTION" МЧЖ масъулиятчи чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор Солиев А.И., иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда "Тарафлар" деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 12 ноябрдаги 180573- рақамли танлов натижаларига кура мазкур шартномани, кейинги ўринларда "шартнома" деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи "Шайхонтоҳур тумани "Хувайдо" МФЙ Хувайдо кўчасидаги "Ёшлар меҳнат гузари"ни қуриш. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун. (АРТ 1-2, топохарита, геология ва ЗВОСни ҳисобга олган ҳолда)" объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- Топохарита харажатлари;
- Геология харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи ишга тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённамаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 119 400 000 (Бир юз ун туккиз миллион турт юз минг) сумни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларинининобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусxada ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмаслигининг асосланган рад жавобини юборди.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдориди, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдориди, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан охиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,

16А-уй

ФОНД 00014 ИНН 204 775 594
ОКОНХ 69000
302021860262777016801188002
УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА
МНФОННА РУз
р/с 23 402 000 300 100 001 010
ИНН 201 122 919

Директор в.б.

Р. Кучкаров



БАЖАРУВЧИ

POWER BUILD CONSTRUCTION"
МЧЖ

Тошкент шаҳар, Яшнабод тумани,
Эльбек кўчаси, 22/1-уй.

Телефон: (97) 302 -68-81

Ҳисоб рақам: 2020 8000 5007 1123 3001

Ўзб Миллий Банк Бектемир ф-л,

МФО: 00930 СТИР: 304546013


ОКЭД: 71110

Тўловчининг рўйхатдан ўтиш коди

ҚҚС: 3260 1000 4201.

Директор


А.И.Солиев



Three large, empty blue oval shapes, likely for additional signatures or stamps.

Handwritten signature in blue ink.

Юридик Ходимов А.
Handwritten signature in blue ink.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКНИИ
Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 1 ноябрдаги 1126-14-0-0/22-сонли қарори



2022 йилги МАНЗИЛИШ РЎЙНАТИ

"Келишилди"
Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва қанноқ-қилинги қисқартуриши бош бўлиқармаси
Ш.С.Шукуров
2022 й.

№	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш боғламини ва фойдаланиш йили	Давлат қўриқчилик қўриқчилиги	Объектнинг ҳужжатлари (қурилиш вақти)	01.01.22 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	01.01.22 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	01.01.22 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	2022 йил учун қолган қўриқчилар миқдори				2022 йилда фойдаланишга топширилган:				01.01.23 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	01.01.23 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	01.01.23 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	Энгришқа ҳудуднинг қўриқчилиги (қурилиш вақти)	Ташкилот номи
								Жами қўриқчилик қўриқчилиги	Қурилиш - қўриқчилик қўриқчилиги	Жақоз	Жами	Қурилиш вақти	Асосий фонд	01.01.23 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)	01.01.23 й. қолган бўлиб қолган объект қўриқчилиги (қурилиш вақти)					
1	Миробод тўқсан "Т.Ташриқ" МЖББ боғламини таъмирлаш	2022 й	объект					2 782 010,0											Ташкилот номи	
2	Сарғам тўқсан "Катта Навоий" МЖББ бўғламини қўриқчилиги 0,16 га бўғламинда бўғламин қўриқчилиги бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					24 000,0											Ташкилот номи	
3	Учсан тўқсан "Дилсиз" МЖББ 106-сонли мақсаб бўғламинда спорт мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					38 500,0											Ташкилот номи	
4	Учсан тўқсан "Уштар" МЖББ Ташриқ қўриқчилиги 30-йи орада қўриқчилиги (01-40) бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					62 000,0											Ташкилот номи	
5	Янқоқ тўқсан "Марқаш" МЖББ қўриқчилиги "Нурона" бўғламинда қўриқчилиги	2022 й	объект					38 500,0											Ташкилот номи	
6	Янқоқ тўқсан "Ташриқ" МЖББ мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					346 000,0											Ташкилот номи	
7	Миробод тўқсан "Катта Навоий" МЖББ қўриқчилиги 520-даволаш мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					35 200,0											Ташкилот номи	
8	Миробод тўқсан "Оқил" мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					57 500,0											Ташкилот номи	
9	Чинозор тўқсан "Катта Навоий" МЖББ мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					118 000,0											Ташкилот номи	
10	Чинозор тўқсан "Дил" МЖББ қўриқчилиги мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					82 000,0											Ташкилот номи	
11	Шарқон тўқсан "Хувай" МЖББ қўриқчилиги "Билор" мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламинда мақсаб бўғламин қўриқчилиги	2022 й	объект					178 000,0											Ташкилот номи	

Ҳисоб

№	Объект или наименование	Крупнейшие показатели на фискальном или томиприш йили	Добавочные ресурсы	Объемный показатель (количество объектов)				2022 йил учун келим-келинганлар, млн. қўрилганлар				2022 йилда фискалнинг томиприш йили				Танловот ном				
				01.01.22 й. қўрилган объект	01.01.22 й. қўрилган объект	01.01.22 й. қўрилган объект	01.01.22 й. қўрилган объект	Куршилган қўрилган объект	Жисса	Жилин	Қўрилган объект	01.01.23 й. қўрилган объект	01.01.23 й. қўрилган объект	Дуриштирилган объект	Танловот ном					
26	Мирзо Улғабек тургани "Заманат" МФЙ Орозов халқ нуҳусига 6 ва 7-қўрилганлар партияларини ўқитиш	2022 й	объект					82 000,0					82 000,0	объект						20
27	Мирзо Улғабек тургани "Илмориёт" МФЙ қўрилганлар Қори Нисан, Яса Гасевоқ, Мустанқил, Дамарбек, Халид Оминов, Нисебек йули 6-йўл, Нисебек йули 7-йўл қўрилганлар 14000 дақ қўрилганлар танловот ном борада на афдалат етқиши. Спорт мактабига на бошлар индиқонига қўрилган	2022 й	объект					73 000,0					73 000,0	объект						20
28	Мирзо Улғабек тургани "Тўро" МФЙ қўрилганлар жойлашган 25 йўл қўрилганлар ўқитишга ташви қўрилганлар (бўлган) танловот ном	2022 й	объект					44 500,0					44 500,0	объект						20
29	Чинолов тургани "Заманат Чинолов" МФЙ қўрилганлар жойлашган 23-оқиш ўқитиш объект буюқона буюқона қўрилганлар танловот ном	2022 й	объект					118 000,0					118 000,0	объект						20
30	Қўрилганлар тургани "Ботқубот" МФЙ Машиновлар қўрилган 1-оқиш йўл қўрилганлар ўқитишга ташви қўрилганлар танловот ном	2022 й	объект					57 500,0					57 500,0	объект						20
31	Қўрилганлар тургани "Фардасий" МФЙ Фардасий Фардасий 2-йўл қўрилганлар қўрилганлар танловот ном	2022 й	объект					11 000,0					11 000,0	объект						20



111